Юртимизда номлари тарихий шахсларнинг исмлари билан боглик машхур кадамжолар, масжид ва кабристонлар кўп. Жумладан, Тошкент шахри Хамза туманида жойлашган "Пул емас ота" кабристони ва масжидидир. Ушбу номни эшитган ёки бу ерга илк бор келган кишини "Пул емас ота"нинг ким бўлгани ва нима сабабдан бундай таърифланиши кизиктириши табиий.  Кадимий  "Пул емас ота" кабристони ёнида 1992 йили барпо этилган масжид биносини кенгайтириб куриш хакидаги янгиликни эшитиб, масжид худудидаги жамоат ахлининг кувончи чексиз. Биз хам уларнинг хурсандчиилигига шерик бўлиш максадида махалла оксоколи, имом-хатиб ва “Пул емас ота” хакида билимга эга олимларнинг фикрини ўрганишга харакат килдик.

**Хайрулло Тогаев (“Пул емас ота” масжиди имом хатиби):**

“Масжидга биринчи марта келган киши унинг номи билан кизикади. Мен уларга огиздан-огизга ўтиб келаётган ушбу ривоятни айтиб бераман: “Бундан беш-олти асрлар олдин ушбу худуддан ўн уч киши хаж ибодатини бажариш учун йўлга чикишган. Нихоят етти ой деганда хаж сафаридан бир кишигина сог-омон уйга кайтган. Ундан колганлар хакида сўрашганида, хаждан кайтишимизда йўлда очлик бизни кийнади. Ейишга бирон нарсамиз колмаган. Кимсасиз биёбонда бир фил боласини учратдик. Шерикларим очликдан ўлгандан кўра, фил боласини сўйиб ейишни афзал билди. Мен эса емадим, дарахт илдизларини ковлаб топиб еб жон сакладим. Орадан уч кун ўтгач, ортимиздан она фил етиб келди. Шерикларимни ўлдирди, мени кайта-кайта хидлаб кўрдию, зарар еткизмади. У биз сўйган филнинг онаси эди. Боласини ким еганини хидидан ажратар экан, деб жавоб берган эканлар. Шундан сўнг ерлик ахоли фил боласини емай, хаждан сог-омон кайтган ушбу валисифат кишининг исмини айтмай, “Фил емас ота” деятаърифлашган. У зот хаждан кайтганидан сўнг бир чиллахона куриб, ибодат билан машгул бўлган. Шогирдлари шу ерда дехкончилик килишган. Йўловчи мусофирлар эхтиёжига мева-сабзовот сўрашса, улардан пул олмай, шундайлигича хадя килар экан. Одамлар орасида “Пил емас ота” номи билан танилган бу кишини халк “Пул олмас ота”, деб хам таърифлай бошлаган. Кейинчалик халк огзида бу гап “Пул емас ота” бўлиб кетган”.

Биз масжидни хашар йўли билан кайта курмокчи бўлиб, рахбариятдан рухсат сўраганимизда, ушбу худуд 10-12 асрларга оид архиологик ёдгорликлар жойлашган ўрин бўлиб, Тошкент шахар ва Тошкент вилояти Маданий мерос объекларини мухафаза килиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси рўйхатида туради, улар билан маслахатлашиш зарур, дейишди. Шундан маълум, бу ер кўп йиллик тарихга эга жойдир. Холбуки, ўрта асрларга оид топилмалар хакидаги маълумотлар кўплаб тарихчилар томонидан ёзиб колдирилган. Бирок мўгиллар истилоси давридаги 10-12 асрлардаги ёдгорликлар кўпам сакланиб колмаган, борлари хам киска, аник маълумотларни йўк килиб ташланган.  Балки бу зот хакидаги маълумотлар хам боскинчилар томонидан йўк килинган бўлиши мумкин.

**Суюндик Мустафоев (тарихшунос олим):**

“Пул емас ота” Тошкент шахридаги эътиборли зиёратгохлардан биридир. У ерга хануз ихлосманд зиёратчилар хатто Чимкент ва Ўш шахарларидан хам келиб туришади. Кадимшуносларнинг тадкикотлари хулосасига кўра, бундан карийиб беш-олти аср олдин хам “Пул емас ота” мавзесида одамлар яшаган, бирок кимлар маскан тутгани номаълум. Кўплаб тарихий асарларда “Пул емас ота” деган жой номи келтирилади. Жумладан,

“Тарихи жадидайи Тошканд”  асарида Юнусхўжа ўн сакизинчи аср охирларида, санжикли, кирк, киёт, турк ва кангли уруглари ёрдамида хокимиятни кўлга киритгани, галабадан сўнг уларга шахар атрофидаги ерларни бўлиб бергани айтилади. Шунда Юнусхон мадрасаси Юнусхон мозорига вакф килинган ерлардан тушган даромад хисобига фаолият юритиши ва мадрасанинг Алаччахон (Султон Ахмаджон, 1485 1502 йилларда Шаркий Мўгилистон хони) мухри босилган вакфномаси бўлгани, мозор ва мадрасанинг Салор ариги кун чикар томонида жойлашган  “Пул емас ота” мавзеда хам вакф ери  бор эди, дея кайд этилади. 1884 йилги хужжатларда хам ушбу вакф кайд этилиб, Ниёзбек волостининг Пул емас мавзеси, деб кўрсатилади. Ушбу фактларга суяниб, Пул емас ота  Юнусхонннг муридларидан бири бўлган, у ушбу вакф ерларида мехнат килиб, тарикат сулукини давом эттирган, дея тахмин килувчилар хам йўк эмас. Аммо “Пул емас” ота мавзеси кадимдан борлиги, у зотнинг хаёти хакидаги маълумотлар бизгача етиб келмагани олти-етти аср олдин яшаган деган тахминларни келтириб чикаради.

**Маъруфов Абдулатиф хожи (88 ёшли отахон):**

Биз Кўкча дахаси томондан бу ерга кўчиб келганимизда мен ёш бола эдим. Хар-хар жойда яккам-дуккам овул бор эди. Ўшанда ушбу кабристонга энди майитлар кўйила бошлаган. Рахматли дадамлар, бу жой кадимда хам кабристон бўлган. Ботин бўлиб кетгач, буниси тўртинчи ё бешинчи марта кайтадан одам кўйилишидир. Бу ерлар валийларнинг кадами теккан кутлуг жойлар, деб айтган эдилар. Ўша пайтларни эсласам, дунёнинг шунчалик тез ўтганидан дилим вайрон бўлади. Хозирги масжид ўрнида бир кичик хонакох бўлиб, биз урушдан кейинги йиллар у ерда икки хайит намозларини бекиниб ўкир эдик.

Саксонинчи йилларнинг ўрталари эди. Гўрков майитни кўйиш учун кабристоннинг бир жойини ковлаганида, бир жасад чиккан. У кандай кўйилган бўлса, шундайлигича турганига биз хам гувох бўлганмиз. Кафан тўр сетка каби гира-шира килиб маййитни тўсиб турарди. Тезликда кабр огзини беркитишни маслахат бердик. Кейинчалик, бу ерга качон кимлар кўмилганини суриштирганимизда, иккинчи жахон уруши йилларида етим болаларни тарбиялаб олган бир онанинг жасади бўлиши керак, деган тахминларга бордик. Эхтимол шундайдир. Бирок бу ернинг олдиндан кабристон ўрни бўлганининг бу хам бир тасдигидир.

**Алланазаров Абдуазим (“Умид” махалласи раиси):**

Мен эсимни таниганимдан буён “Пул емас ота” кабристонини биламан. Рахматли додамлар бу ерга улугларнинг кадами теккан. “Пул емас ота” кабристони олти-етти асрлик тарихга эга, кадимий жойлар, дердилар. Ёшлигимизда кичик хонакох ёнидаги кенг майдонда хайит намозига чикканларим,  амакилар ширинлик таркатишгани элас-элас ёдимда. Юртимиз истиклолга эришгач, 1992 йили махалла фаоллари иштирокида Маърупов Абдулатиф хожи бошчилигида янги масжид барпо этилди. “Махмур”, “Умид”, “Мирзо Улугбек” ва "Бешбола" махаллалари худудидаги намозхонларнинг диний маросимларининг адо этилишида ушбу масжиднинг ўрни бекиёс. Масжидни кайта куришга рахбарият хайрихох эканини эшитиб, жуд хурсанд бўлдим. Чунки кейинги пайтдарла жума ва жаноза бўлган кунлари масжид хонакохи намозхонларга бироз торлик килмокда. Айникса, икки хайит байрам намозларида одамлар сигишмасдан кабристон ичига кириб, ўтган аждодларимизнинг хокини оёкости килиш холлари кўп такрорланмокда.

Абдулвохид Ўразов